

## Заллат ул-қори (“Ўқувчининг янглишуви”)

05:00 / 09.01.2017 4221

Мазкур “Заллат ул-қори” (“Ўқувчининг янглишуви”) рисоласининг муаллифи машхур “Ақоид ан-Насафиййа”нинг соҳиби Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ан-Насафий (1068-1142) ҳисобланади. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг юзга яқин асарлари жумласидан бўлган мазкур рисола ҳалигача нашр қилинган эмас, бироқ, унинг нусхалари дунё қўлёзмалари жамғармаларида кўплаб учрайди. Асарга Бухоронинг таниқли олимларидан Мавлавий Муҳаммад Шариф ал-Бухорий ал-Ҳусайний (1617-1697) шарҳ битган.

“Заллат ул-қори”да намозда қироат қилиш асносида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар ва янглишишлар батафсил баён этилган ва уларнинг ҳукми – бу билан намознинг бузилиш ёки бузилмаслиги ҳақида мухтасар тарзда сўз юритилган.

“Заллат ул-қори”нинг Ҳамидуллоҳ Беруний томонидан қилинган таржимаси илк бор [Islom.uz](http://Islom.uz) интернет порталида эълон қилинмоқда.

### **БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ**

Шайх, буюк имом, устоз, зоҳид, миллат ва диннинг юлдузи, Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий, Аллоҳ таоло уни раҳмат қилсин, бундай дейди:

Билгинки, намозда Қуръон ўқиш асносидаги хатолар олти хил бўлади. Улардан биринчиси оятда, иккинчиси сўзда, учинчиси ҳарфларда, тўртинчиси эъроб (флексия)да, бешинчиси сўзни узиб қўйишда, олтинчиси эса тўхташ ва бошлашда бўлади.

Оятдаги хатоликка келсак, олтита жҳатга кўра бўлади. Улар зиёдалик, камчилик, муқаддам айтиш, кейин айтиш, ўзгартириш ва такрорлашдир.

Зиёдаликка келсак, бирор сурадаги икки оят орасига ушбу сурада бўлмаган оятни киритишдир. Мисол учун бундай ўқилса:

"كأيا و دبعن كأيَا . نيتملا ؤوقلا و ذقازرلا وه هللانا . نيدلا موي كلام"  
"نيتعتسن".

“Малики йавми-д-дин. Инналлоҳа ҳува-р-раззоқу зу-л-қуввату-л-матин. Ийёка наъбуду ва ийёка настаъин”.

Камчиликка келадиган бўлсак, икки оят ўртасида битта оятни ташлаб кетишдир. Мисоли қуйидагича ўқилади: "موي كلام. نيدلا اعلا برهل دمحا". - “Алҳамду лиллаҳи робби-л-ъаламин. Малики йавми-д-дин”. Бу ерда “Ар-Роҳмани-р-роҳим” тарк қилинган.

Олдинма-кетин қилишнинг мисолига келсак, бундай: "نيدلا موي كلام. ميحرحلا نمحرلا". - “Малики йавми-д-дин. Ар-Роҳмани-р-роҳим”, деб қироат қилади.

Кейин ўқилишининг мисоли эса қуйидагича қироат қилишдир:

"نيدلا موي كلام. نيعتسن كاي او دبعن كاي. ميحرحلا نمحرلا"

“Ар-Роҳмани-р-роҳим. Ийёка наъбуду ва ийёка настаъин. Малики йавми-д-дин”.

Ўзгартириш эса бир сурадаги оятнинг ўрнига бошқа сурадаги оятни қироат қилади. мисоли будир:

"نيعتسن كاي او دبعن كاي. نيملا ؤوقلا وذ قازرلا وه هللا نا. ميحرحلا نمحرلا"

“Ар-Роҳмани-р-роҳим. Инналлоҳа ҳува-р-раззоқу зу-л-қуввату-л-матин. Ийёка наъбуду ва ийёка настаъин”.

Такрорга келсак, уни бундай ўқийди: "نيدلا موي كلام. نيدلا موي كلام". - “Малики йавми-д-дин. Малики йавми-д-дин”.

Буларнинг ҳаммаси борасидаги жавоб шуки, агар ҳар бир оятни тўхтаб ўқиса, уламолар иттифоғига кўра намози барча ҳолатларда бузилмайди. Агар оятларни қўшиб ўқиса-ю, икки оят маъносининг орасида бир-бирига мухолифлик бўлмаса ҳам намози бузилмайди. Агар маънолар бошқа-бошқа бўлиб қолса, намознинг бузилиш-бузилмаслиги борасида уламолар орасида ихтилоф бор. Тўхташ ҳақидаги бўлимларда бу ҳақида келтирилади.

Сўздаги хатоликларга келадиган бўлсак, бу ҳам олти хил бўлади. Биринчиси зиёдалиқдир. Сўзни ортиқча ишлатишда асли Қуръонда бўлиши ёки бўлмаслигига боғлиқ бўлади. Бу эса маънони ўзгартириши мумкин ёки ўзгартирмайди. Демак, агар зиёда қўлланган сўз Қуръонда ишлатилган бўлиб, ўша оятнинг маъносини ўзгартирмайдиган бўлса, намози

бузилмайди. Масалан, бундай қироат қилади: "بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ" – "Алҳамду лиллаҳи робби-л-ъаламин, ажмаъин". Ёки мана бундай деб ўқийди: "مِ رِ كِ لِ لِ مِ حِ رِ لِ نِ حِ رِ لِ ا" – "Ар-Роҳмани-р-роҳим, ал-карим". Буларда намоз бузилмайди.

Ўша ҳолатда агар маъно ўзгарадиган бўлса, уламолар иттифоғига кўра намози бузилади. Масалан, мана бундай ўқиса: "اورفك و اونم آ نې ذل ان" – "Инналлазина оману ва кафару ва ʼамилу-с-солиҳати, улаика ҳум хойру-л-бариййаҳ". (Бу ерда "ва кафару" сўзи ортиқча).

Агар орттирилган сўз Қуръонда бўлмаса, у билан маъно ҳам ўзгармайдиган бўлса, масалан, бундай ўқилса: "نمرو حافت و لخنو و كهك اف اه يف" – "Фиҳа фақиҳатув ва нахлув ва туффаҳув ва румман". (Бу ерда "ва туффаҳ" сўзи ортиқча).

Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ ва Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ гапига қараганда, намоз бузилмайди, чунки "туффаҳ" мевалардан бўлиб, улар қаторида саналмоқда. Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ гапига кўра эса намози бузилади, чунки у Қуръонда йўқдир. Бу "Аллоҳу акбар!" ("Аллоҳ улуғроқ!") ўрнига "Аллоҳу ажалл!" ("Аллоҳ буюкроқ!") дегандаги масаланинг ўхшашидир. Демак, Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ лафзларга риоя қилишни шарт қилади, иккови эса буни шарт қилмасдан маънони эътиборга оладилар.

Агар оятга орттирилган сўз Қуръонда ҳам бўлмаса, унинг маъносини ҳам ўзгартириб юборадиган бўлса, ижмоъга кўра намоз бузилади. Мисоли, қуйидагича қироат қилишдир: "نې دحوم ل نې رفاك ل لى ع ل ل ا ة ن ع ل ف" – "Фа-лаънатуллоҳи ʼала-л-кафирин, ал-муваҳҳидин". (Бу ерда "ал-муваҳҳидин" сўзи ортиқча).

Иккинчиси бирор сўзни камайтириш бўлиб, агар унда маъно ўзгарадиган бўлса, уламолар иттифоғига кўра намоз бузилмайди. "Фотиҳа сураси"да "Ар-Роҳмани-р-роҳим"дан бирорта сўзини тарк қилганга ўхшаш. Агар унда маъно ўзгарадиган бўлса, масалан, "نونمؤي مه ل ام ف" – "Фа-ма лаҳум йуъминун" деб "ل" "ла"ни тушриб қолдириб қироат қилганда, баъзилар фикрича, зарурат туфайли намоз бузилмайди. Зотан, Қуръон ожиз қолдирувчи, мўъжизакордир. Тўғриси шуки, маъно ўзгарганлиги учун намоз бузилади.

Учинчи ва тўртинчиси кейинда келган бир сўзни олдин айтиш ёки муқаддам келадиган сўзни охирда айтиш бўлиб, унинг мисоли "ар-Роҳими-

р-Роҳман” деб қироат қилишдир. Ёки бундай деб қироат қилади: "اهي فمهل" - "Лаҳум фиҳа шаҳиқу-в-ва зафир". (Бу ерда “зафир” сўзи “шаҳиқ”дан аввал айтилиши керак).

Бу ерда намози бузилмайди, чунки маъно ўзгармайди. Агар маъно ўзгарадиган бўлса, масалан, қуйидагича қироат қилса: "ف راربالا نا" - "Инна-л-аброро ла-фий жаҳим. Ва инна-л-фужжаро ла-фий наъим". (Бу ерда “жаҳим” ва “наъим” сўзларининг ўрни алмашган).

Бу ҳолатда уламолар ихтилофга борганлар. Қози ал-Балъамий Шайх Абулҳасан ар-Рустуфанийдан зикр қилганки, у Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розийдан, у эса Муҳаммад ибн ал-Ҳасандан ривоят қилган. У намоз бузилмайди, деган. Бу уч олим шунга суянганлар. Шамс ал-аимма ал-Ҳалвойи ва устозимиз қози, буюк имом, Садр ал-ислом Абулйуср иккови бу борада машойихларнинг ихтилофи борлиги ва уларнинг кўпчилиги намоз бузилади, деганларини зикр қиладилар. Бу саҳиҳдир!

Бешинчиси, ўзгартиришдир. У бирор сўзнинг ўрнига бошқа сўзни қўйиб ўқишдир. Ўша сўз Қуръонда бўлиши мумкин ёки бўлмадлиги мумкин. У билан эса маъно ўзгариши мумкин ёки ўзгармай қолиши мумкин.

Агар ўша сўз Қуръонда бўлса-ю, у билан маъно ўзгармаса, унинг мисоли: "ميركلا نمرحرا" - “ар-Роҳмани-л-карим” деб (“ар-роҳим” ўрнига “ал-карим”ни қўйиб) қироат қилганга ўхшаш бўлса, уламолар иттифоғига кўра намоз бузилмайди.

Агар (Қуръонда бўлишига қарамасдан) у сабабли маъно ўзгарадиган бўлса, масалан

"ني لفاغانك اننا" - “Инна кунна ғофилин” деб қироат қилганга ўхшаш “фаъилин” (“ني لفاغان”)нинг ўрнига “ғофилин” деб ўқиса, баъзилар фикрича зарурат учун намоз бузилади. Зотан, Қуръон ожиз қолдирувчидир. Тўғриси шуки, маъно ўзгаргани учун намоз бузилади.

Агар бирор сўз Қуръонда бўлмаса ва у билан маъно ўзгарадиган бўлса, ижмоъ билан намоз бузилади. Масалан, бундай деб қироат қилса: "ة نعلف" - "Фа-лаънатуллоҳи ъала-л-муваҳҳидин”. (Бу ерда “ал-муваҳҳидин” ўрнига хато равишда “ал-кафирин” ўқилган).

Агар у билан маъно ўзгармайдиган бўлса, мисоли қуйидагича: "ني قملانا" - “Инна-л-муттақина фий басотин”, деб қироат қилмоқдир.

(Бу ерда “басотин” сўзи масалан “жаннатин” сўзи ўрнига ўқилган).

Бу ҳолатда Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ фикрича намоз бузилади, ўтганимиздек иккови (Имоми Аъзам ва Имоми Муҳаммад) эса бунга қарши фикр билдирганлар.

Агар “масжида” сўзи ўрнига: "اتكز مهي لع نذخت نل" – “Ла-наттахизанна ʔалайҳим мазкита” деб ўқиса, ёки “жаза-ан” сўзи ўрнига: "اوناك امب ءازس" – “Саза-ан би-ма кану йаъмалун” деб ўқиса, Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ фикрича намоз бузилмайди. У форсча қироат қилиш масаласининг ўхшашидир. Икковининг (Абу Юсуф ва Муҳаммад) олдида, гарчи арабча айтишни яхши билмаса ҳам намоз бузилади.

Агар "نارم ع نب اى سى ع اي" – “Йа Ийса ибн Имрон” (“Марйам”нинг ўрнига “Имрон”) деб ўқиса ёки "ميرم نب اى سوم اي" – “Йа Муса ибн Марйам” (“Ийса”нинг ўрнига “Муса”) деб қироат қилса ёки "نامقل ت نب ميرم و" – “Ва Марйама-бната Луқман” (“Имрон”нинг ўрнига “Луқман”) деб ўқиса, бу борада Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳдан икки ривоят бор: бир ривоятда намоз бузилади, бир ривоятда эса намоз бузилмайди. Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ фикрича, намоз бузилади. Мана шу саҳиҳдир!

Олтинчиси такрордир. Бас, агар у сабабли маъно ўзгармай қолса, жумладан, бу хилда: "ل ل ل ل ل دم ح ل ا" – “Алҳамду лиллаҳи, лиллаҳи” ёки “Алҳамду лиллаҳи робби-л-ʔаламин, робби-л-ʔаламин” деса, уламолар иттифоғига кўра намоз бузилмайди. Агар у туфайли маъно ўзгарадиган бўлса, жумладан, "ن ي م ل ا ع ل ا ب ر ب ر" – “Робби, робби-л-ʔаламин” деса ёки "ن ي د ل ا م و ي ك ل ا م ك ل ا م" – “Малики, малики йавми-д-дин” деб қироат қилса, уламолар орасида буниси билан аввалгиси ораси баробар, деганлар бўлган. Тўғриси шуки, маъно ўзгарганлиги учун намоз бузилади.

Бу у ҳақида чуқур ўйлаш вожиб бўлган фаслдир. У ҳақида умумий тарзда жавоб бериб бўлмайди, чунки унда нозик жиҳат бор. У ҳам бўлса, хатойи фоҳиш – очик-равшан хатоликдир. Гоҳида у музов ва музофун илайҳ – қаратқич келишигида келган аниқловчи ва аниқланмишларда юзага келади. (Масалан, “ردق ل ا و ة ل ي ل” – “Лайлату ва-л-қадр” деб ўртада “ва”ни қўшиб ўқиш).

Ҳарфлардаги хато ҳам олтитадир. Улардан бири, бир ҳарфни зиёда қилиш бўлиб, у икки хил бўлади. Улардан биринчиси, у сабабли маъно ўзгармайди. Масалан, бундай қироат қилади: “Улаика”нинг ўрнига “Фа-улаика” ёки “Ва улаика” деб ўқиш ёхуд бу тарзда: "اونما ني ذل ا نا" –

“Инналлазина аману”нинг ўрнига: “Фа-инналлазина аману” ёки “Ва инналлазина аману” деб (“фа” била “ва”ни орттириб) қироат қилмоқдир. Ёки, бу тарзда: "نودباعل او نوبئآت ل" - “Ат-Таибун ва-л-Ъабидун” деб ўқиса, ёки “Ар-Раҳман ва-р-роҳим” деб (ўртада “ва”ни кўпайтириб) ўқиса, ёки “ал-мустақим”да “алиф” ҳарфини зиёда қилиб, (чўзиб) "ط ر ص ل ا ن د ه ا" - “Иҳдина-с-сирота-л-мустақима-а” деб қироат қилса, демак, ушбу суратларда намози бузилмайди.

Иккинчиси, ҳарф зиёда қилганида у сабабли маъно ўзгарадиган бўлса, масалан, бундай қироат қилса, "ة وث ب م ب ي ب ا ر ز و" - “Ва заробийбу мабсусаҳ” (“заробийу” ўрнига “заробийбу”) деса, бу ҳолатда намоз бузилади.

Уламолар яна бундай деганлар: агар "ى ث ن ا ل ا و ر ك ذ ل ا ق ل خ ا م و" - “Ва ма холақо-з-закаро ва-л-унса. Ва инна саъйакум ла-шатта”да “ва”ни зиёда қилса, унинг намози бузилади. Чунки, бу ерда қасам юзага келган, бу маъно эса йўқолиб қолган. Шунингдек, "و م ي ك ح ل ا ن ا ر ق ل ا و . س ي" - “Йасин. Ва-л-Қуръани-л-ҳаким. Ва иннака ла-мин ал-мурсалин”да ҳам “ва”ни зиёда қилиш билан бу маъно кетади ва намоз бузилади.

Иккинчиси бирор ҳарфнинг камайиш бўлиб, у билан маъно ўзгарадиган бўлса, масалан, "ا و ن م ا ن ي ذ ل ا و" - “Валлазийна аману”нинг ўрнига “Аллазийна аману” деб қироат қилса, ёки "ه ل ل ا ن ا ف" - “Фа-инналлоҳа”нинг ўрнига “Инналлоҳа” деб ўқиса, ёки мана бундай: "ا م ي ح ر ا ر و ف غ ه ل ل ا ن ا و" - “Ва каналлоҳу ғофуро-р-роҳима” деб “ва”ни тарк қилиб ўқиса, ёки "ك ي ر د ا ا م و" - “Ва ма адрока маҳийаҳ”нинг ўрнига гап аввалидаги “ва”ни ва энг охиридаги “ҳе”ни тарк қилиб ўқиса, ёки "ة ن ن ي ب ل ا م ؤ ت ء ا ج ا م" - “Ма жа-атҳуму-л-баййинаҳ”да эса “жа-атҳум”даги “те”ни ташлаб ўқиса - буларнинг ҳаммасида намози бузилмайди. Чунки, улар ортиқча ҳарфлар бўлиб, улар билан маъно ўзгармайди.

Агар тушириб қолдирилган ҳарф аслий ўзак ҳарфи бўлса-ю, агар у нидо-чақириқ бўлиб, унда исмни қисқартириб чақириш жоиз бўладиган бўлса, намози бузилмайди. Масалан, “Йа Молик!”нинг ўрнига “коф”ни тушириб қолдириб, “Йа мол!” деб қироат қилганга, ёки “Йа Иброҳим!”нинг ўрнига “мим”ни тушириб қолдириб, “Йа Иброҳи!” деб қироат қилганга ўхшашдир. Бироқ, агар нидо-чақириқдан бошқасида бўлса, қисқартириш қабул қилинмайдиган нидода бўлса, масалан, “Йа Нуҳ!”да “ҳо”ни тушириб ўқиса, ёки “Йа Лут!”да “то”ни тушириб қолдириб қироат қилса, намози бузилади. Чунки, бу ҳолат маъносизликдир.

Шунингдек, ҳарф аслий, яъни ўзак ҳарфи бўлмаса ва унинг тушириб қолдирилиши билан маъно ҳам ўзгарадиган бўлса, масалан, "ركذلا ق ل خ ام و" - "Ва ма холақо-з-закаро ва-л-унса", деб "ва"ни тушириб ўқиса, барча уламолар фикрига кўра маъно ўзгарганлиги боис намози бузилади. Демак, агар "Ва ма холақо-з-закаро ва-л-унса"даги "холақо" сўзидаги "қоф" ёки "лом" ё "хо"ни тушириб, "лақо" ёки "хоқо" ёки "хола" деб ўқиса, уламолар иттифоғига кўра намоз бузилади. Чунки, бу маънисизликдир.

Учинчи ва тўртинчиси бир сўздаги кейинги ҳарфни олдинда ўқиш ёки олдин келганини ортида ўқиш бўлиб, унинг мисоли: "ل و ك ا م ف ص ع ك" - "Ка-ъасфи-м-маъкул" ўрнига "Ка-ъафси-м-маъкул" деб ўқиса, "ة روس ق ن م ت ر ف" - "Фаррот мин қосвароҳ" да эса "қовсароҳ" деб қироат қилса, Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинишича, аввалгисида намоз бузилади. Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳнинг "ар-Раққиёт" асаридан ривоят қилинишича, иккинчисида намоз бузилади. Демак, агар маъно бузилмайдиган бўлса, "ر ص ب ل ا ق ر ب ا ذ ا ف" - "Фа-иза бариқо-л-басор" да "барико"нинг ўрнига "бақиро" деб ўқиса, у луғатда "барико"нинг маъносини беради ёки "ت ح ج ف ن ا ف" - "Фанфажарот"нинг ўрнига "Фанфарожат" деб ўқиса, унинг маъноси ҳам бир-бирига яқиндир, бу ҳолатда намоз бузилмайди. Юқорида айтганимиздек, маъно ўзгарадиган бўлса, намоз бузилади.

Бешинчиси, бир ҳарфнинг ўрнига бошқа ҳарфни қўйиб ўқиш бўлиб, унда икковининг орасида ҳарф махражида бир-бирига яқинлик бўлиши мумкин ёки махражи бир-биридан узоқ бўлиши мумкинлигидан холи эмас. Шунингдек, бу ҳолатда маъно ўзгариши мумкин ёки ўзгармай қолиши мумкин. Шунингдек, бу сўз Қуръонда топилиши мумкин ёки топилмаслиги мумкин. Махражи бир-бирига яқин ва у билан маъно ҳам ўзгармайдиган бўлса, намоз бузилмайди. Хоҳ ўша сўз Қуръонда бўлсин, хоҳ Қуръонда топилмайдиган бўлсин, фарқи йўқ. Мисоли "ط ا ر ص ل ا" - "ас-сирот"нинг "сод"и ўрнига "син" қилиб ўқиса ёки "аз-зирот" деб ёки "ر ط ي س م ب" - "би-мусойтир"нинг "сод"и ўрнига "син" ёки "зе" қилиб ўқиганга, ёки "ط س ب ي" - "йабсуту"нинг "син"и ўрнига "сод" қилиб ўқиганга ўхшашдир.

Қачон у билан маъно ўзгарадиган бўлса, масалан, "ف ي ص ل ا" - "ас-сойф"нинг ўрнига "ас-сайф" қилиб ўқиса, "ر ص ن ل ا" - "ан-насп"нинг "сод"и ўрнига "син" қилиб ўқиса, Муҳаммад ибн Салама раҳимаҳуллоҳ айтишларича, умуми балво - (бу хилда ҳарфларни фарқламасликлар) оммавий офат бўлгани боис намози бузилмайди. Абу Мутеъ ал-Балхий ва машойихлардан бир жамоаси намоз бузилади, деганлар. Кўпчилик устозларимиз мана шунга қўшилганлар. Агар "ب ا و ا" - "Аввоб"нинг ўрнига

“Айёб” деб ўқиса, бу ҳақида Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ бундай деган: “Бу савол менга тушган эди. мен уни Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳдан сўрадим. У “намоз бузилади” деб жавоб қилди, ал-Кисойидан сўраганимда эса у “намоз бузилмайди, чунки, луғатда икковининг маъноси бир хил” деди”. Шунга мен ал-Кисойининг гапини олдим”. Шунингдек, "بأوت" ва "هأوا" – “Таввоб” ва “Аввоҳ”нинг ўрнига “Тайёб ва “Айёҳ” деб ўқиса ҳам шундайдир.

Аммо ҳарфларнинг махражлари бир-биридан узоқ бўлиб, маъно ҳам у билан ўзгарадиган бўлса, масалан, "ريعسلا باحصال اقحس ف" – “Фа-саҳиқо ли-асҳаби-с-саъир” да “саъир”нинг ўрнига “шаъир” деб қироат қилса, Абу Мутеъ ал-Балхий намоз бузилади, деган.

Агар у билан маъно ўзгармайдиган бўлса, намози бузилмайди. Масалан, бундай деб: "رثوكل لكان ي طع انا" – “Инна аътойнака-л-кавсар” да “аътойнака”нинг ўрнига “антойнака” деб ўқиса ёки "رهقت الف" – “Фа-ла тақҳар”нинг ўрнига “Фа-ла такҳар” деб “қоф” ўрнига “коф” билан қироат қилса, Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг қиёсига кўра намоз бузилади. Чунки, ундай сўз Қуръонда топилмайди.

Агар "م ي طع" – “ъазим”нинг ўрнига "م ي ل ع" – “ъалим” деб ўқиса, ёки "م ي ل ح" – “ҳалим”нинг ўрнига "م ي ك ح" – “ҳаким” деб ўқиса, уламоларнинг иттифоғига кўра намоз бузилмайди. Чунки, у Қуръонда бор сўз бўлиб, маъно ҳам ўзгармай қолади. Муҳаммад ибн Муқотилдан, у эса Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинишича, "اري ف ز" – “зафиро”нинг ўрнига “тағоййузо” ёки “тағоййуза” деб ўқиса, намоз бузилмайди. Чунки, у сўз Қуръонда бор ва бир жиҳатдан маъно ҳам тўғри бўлади.

Бу фасл ҳарфларнинг махражда бир-бирларига яқин ва узоқ бўлиши баёнидадир. Демак, “айн”, “ҳойи ҳуттий”, “ғайн”, “хо”, “ҳамза”, “ҳойи ҳавваз” битта махраждандир ва улар ҳалқум ҳарфларидир. “Коф” ва “қоф” эса битта махраждандир ва иккови кичик тил ҳарфларидир. “Жим”, “шин”, “зод” эса битта махраждандир ва улар танглай ҳарфларидир. “Син”, “сод”, “зо” битта махраждандир ва улар мутаносиб – талаффузда бир-бирига ўхшаш ҳарфлардир. “То”, “дол”, “итқи” эса битта махраждандир ва улар танглайолди ҳарфларидир. “Ро”, “лом”, “нун” битта махраждандир ва улар тил учи ҳарфларидир. “Бо”, “фо”, “мим” битта махраждандир ва улар лаб ҳарфларидир. “Вов”, “йо”, “алиф” битта махраждандир ва улар юмшоқ танглай ҳарфларидир. “Со”, “изғи”, “зол” битта махраждандир. “Зод”, “изғи” иккови битта махраждан эмас. Шунинг учун ҳам Абу Мутеъ ва Балх машойихларидан бир жамоаси, агар "ن ي م ل ا ط ل ا" – “аз-золимин”нинг ўрнига





Юмшоқ ҳарфни ҳамзали қилиб ўқишга мисол: "منهجى لى اورفك نى ذل قئسو" - "Ва се(ъ)қоллазийна кафаруу ила жаҳаннама зумаро".

Ҳамзалик ҳарфни юмшоқ қилиб ўқишга мисол: "رارق لى سىب" - "Бийса (беъса)-л-қарор".

Изҳор қилиниши керак бўлган ҳарфни идғомли қилиб ўқишга мисол шуки, "дунйа" сўзидаги "нун"ни "йа" ҳарфига киритиб, унинг ўрнига "дуййа" деб ўқилишидир.

Идғомли ҳарфни эса изҳор қилиб ўқишга мисол: "رشع لى لى و رج لى او" - "Ва-л-фажри ва лайалин ъашрин(в) ва-ш-шафъи". (Бу ерда "ъашрин" сўзидаги "нун" ҳарфи "вов"га киритилиб ўқилиши керак).

Ҳаракатли ҳарфни сукунли ва сукунли ҳарфларни ҳаракатли қилиб ўқишга мисол шуки, "арсала"даги сукунли "ро" ҳарфини ҳаракатли қилиб, ҳаракатли "син" ҳарфини эса сукунли қилиб "арасла" деб ўқишдир: "لِسَرَّأَو" - "Ва арасла (арсала) ъалайҳим тойрон абабийл".

Бир ҳаракатли ҳарфни бошқа ҳаракатли ҳарфга айлантириб ўқишга мисол "син" ҳарфининг касрасини фатҳали қилиб ўқишдир: "س ل ل ا ب ر ب ذوع ل ق" - "Қул аъзузу би-робби-н-наса(и)".

Юқорида айтганимиздек, бунда Қуръоний тартиб ўз ҳолича қолган ҳамда умум ал-балво - умумий офат бордир.

Муҳаммад ибн Муқотилдан ривоят қилинганки, у "Агар "م ي ت ل ا غ د ي" - "Йадуъъу-л-йатим"нинг "дол" ҳарфини сукунли қилиб, масалан, "Йадъу-л-йатим" деб ўқиса, намози бузилмайди" деган. Тўғри жавоб шуки, агар бундай ҳолатларда маъно бузиладиган бўлса, намоз бузилади, аксинча бўлса, намоз бузилмайди. Уламолар бундай деганларки, агар ушбу: "م ا م غ ل ا م ك ي ل ع (ان ل ل ظ ف) ا ن ل ل ظ و" - "Ва золлална ъалайкуму-л-ғомам"нинг "золлална"сини ташдидсиз "золална" деб ўқиса, ёки "س و م ا ج ا م ل و" - "Ва ламма жааа-а Муса"да "жааа-а"ни чўзмасдан ўқиса, намози бузилади. Чунки, "жа-муса" деган ҳайвон (урғочи буйвол, бегемот) бор. Шунингдек, "ع ا ج م غ" - "Жаа-а маъаҳу"да худди шундай бўлиб, намоз бузилади. Чунки, "жа-маъаҳу" бўлса, "мужомаъат" ("қўшилиш, жимоъ қилиш") маъноси юзага келиб қолади. Бу ерда баъзилар намоз бузилмайди, деганлар ҳам бор. Зотан, "мужомаъат"нинг "икки нарсанинг ораси жамланиши, тўпланиши" маънолари ҳам бор ва бунда эса оятдаги кўзланган мақсад ҳосил бўлади.

Агар маъно ўзгармайдиган бўлса, жумладан, "التي تقات أولت قو" - "Ва қуттилу тақтила" да ташдидсиз "ва қутилу тақтила" деб ўқиганингдек бўлса, намоз бузилмайди. Агар "كاي" - "Ийёка" да "ёй"ни ташдидни тарк қилиб, "Ийака" деб ўқилса, унинг маъноси "қуёш бошпанаси"га айланиб қолади ва умуман "Қуёшинг нурларига ибодат қиламиз" деган очиқ куфроний маъно келиб чиқади. Демак, намоз бузилади.

Ҳарфнинг бир ҳаракатини бошқа ҳаракатга алиштириб ўқишга келсак, агар у билан маъно ўзгармаса, намоз бузилмайди. Масалан, "اوعفرت ال" - "Ла тарфаъу асватакум"ни "те"ни касрали қилиб, "асватикум" деб ўқишга ўхшаш ва "ان تاي آه ان يرا دق لو" - "Ва ла-қод аройнаҳу ойатина" да "те"ни фатҳали қилиб, "ойатана" деб ўқиш билан намоз бузилмайди.

Агар бу билан маъно ўзгариб кетадиган бўлса, масалан, "تُولِجُ دُوَادَلَ تَقَو" - "Ва қатала Давуду Жалута" да "дол"ни фатҳали ва "те"ни заммали қилиб, "Ва қатала Давуда Жалуту" деб ўқиса, ёки "هَبْرُ مَدَا صَعَو" - "Ва ъасо Адаму роббаху" да "мим"ни фатҳали ва "бе"ни заммали қилиб "Ва ъасо Адама роббуҳу" деб ўқилса, ёки мана бундай деб: "هَبْرَمِي هَارِبَا لَتَبَا ذَاو" - "Ва из ибтала Иброҳима роббуҳу" да "мим"ни заммали ва "бе"ни фатҳали қилиб, "Ва из ибтала Иброҳиму роббаху" деб ўқилса, намоз бузилади. Баъзи уламолар фикрича, охирги мисолда намоз бузилмайди. Чунки, "ибтило" бу ерда "савол" маъносида келиши мумкин, бу ҳолатда эса маъно ўзгармай қолаверади.

Агар "نِي رِذْنَم" - "Мунзирин" ёки "Мунзарин"нинг фатҳали "зол"ини касрали қилиб ёки касрали "зол"ни фатҳали қилиб ўқилса, намоз бузилади. Чунки, "мунзирин" касралик бўлганда, ("огоҳлантирувчи, таҳдид қилувчилар" маъносида бўлиб) пайғамбарлар назарда тугилади, "мунзарин" фатҳалик бўлганда эса ("огоҳлантирилган, таҳдид қилинганлар" маъносида бўлиб) кофирлар назарда тугилади. Намоз бузилмайди ҳам дейилган. Чунки, пайғамбарларни фатҳали қилиб, "огоҳлантирилганлар" маъносида тавсиф қилса ҳам бўлади. Зотан, кофирлар ўзларининг сўзлари билан ўлдириш ва шунга ўхшашлар билан уларни огоҳлантирган, таҳдид қилганлар. Демак, шу маъно сабабли кофирлар фоъил - иш бажарувчи, пайғамбарлар эса мафъул - иш қилинганлардир. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг: "فِيكَ رِظَانِاف" - "Фанзур кайфа кана ъақибат ул-мунзарин" деган оятида "зол"ни касрали қилиб ўқилса ҳам намоз бузилмайди. Чунки, ҳар бир қавмнинг ўзига хос, хоҳи у яхши бўлсин, хоҳи ёмон бўлсин оқибати бўлади.

Яна Аллоҳнинг сўзида ҳам: "هل وسرو نيك رش م ل ن م ئرب هل ل ا ن ا" - "Инналлоҳа бари-ум мин ал-мушрикина ва росулуҳ" да "лом"ни касралик қилиб "росулиҳ" деб ўқилса ҳам намоз бузилади. Чунки, бу ерда маъно ўзгаради. Намоз бузилмайди ҳам дейилган. Чунки, ("унинг пайғамбарига қасамки" деб) қасам қиладиган бўлсак, намоз бузилмай қолади.

Агар "روص م ل ا ئراب ل ا" - "ал-Бари-у ал-Мусаввир"нинг "вов"ини фатҳали қилиб, "ал-Мусаввар" деб ўқилса, уламолар намоз бузилмайди деганлар. Чунки, у билан "тасвир соҳиби" маъносини ирода қилиш ҳам мумкин бўлади. Чунончи, "мужарраб"ни "тажриба соҳиби", "мухаддаъ"ни эса "ёлғон соҳиби" деганларига ўхшашдир. Демак, "мусаввар" - тасвир соҳибига айланади, яъни, Аллоҳ таоло халқнинг тасвирига эгалик қиладиган зотдир, деган маънода бўлиб, бу билан намоз бузилмайди.

Аллоҳ рози бўлгур муаллиф бундай дейди: бу ерда маъно мана шундай сифат билан тафсифлангани худди "муғаллиб"ни ғолиб сифати билан "шижоаткор" деб сифатлаганган ўхшайди. Гарчи уни мафъуллик сифати ила ("муғаллаб" деб) талаффуз қилинадиган бўлса ҳам ана шундай бўлаверади.

Сўзни кесиб тўхтатишдаги хатоликка келсак, қандай ҳолда бўлса ҳам умумий зарурат бўлгани учун намоз бузилмайди, дейилган. У ҳам олти хил бўлади.

Улардан биринчиси, Аллоҳнинг сўзидаги "ل ل دم ح ل ا" - "Алҳамду лиллаҳи" деганда "Ал" деб тўхтаб, узиб ўқишдир. Уламолар бунда намоз бузилмайди деганлар, чунки, "алиф" ва "лом" маърифа - аниқлик артекли бўлиб, феъллардаги "қод"га ўхшайди. Бунда у сўз бўлган, демак, маъносизлик бўлиб қолмайди.

Иккинчиси, исм ёки феълнинг охирида бўлиши мумкин бўлган, унга ёпишган қўшимчани, масалан, гапирувчи ёки хитоб қилувчининг қўшимчасини кесиб-узиб талаффуз қилиш билан намоз бузилмайди. "ت م ع ن ا" - "Анъамта" да "та"ни узиб ўқиш ёки "ا ن د ا" - "Иҳдина" да "на"ни узиб қироат қилиш бунга мисол бўлади.

Учинчиси, кўплик сўзини бирлик шаклида узиб ўқиш бўлиб, унинг мисоли қуйидагича: "ن ي م ل ا ع ل ا ب ر" - "Робби-л-ъаламийн" да "ъалам" деб тўхтаб, сўнг "ин"ни қироат қилишдир. Ёки "ن ي ذ ل ا" - "Аллазийна" да "аллазий" деб тўхтаб, кесиб, сўнг "на" дейишдир.

Тўртинчиси, бир исм бўлса-ю, ўша сўзнинг бир қисмида тўхтаб, кесиб талаффуз қилишдир. Унда маънисизлик юзага келмаслиги керак. Масалан, “نمحررلا” “ар-роҳман” сўзида “ар-роҳм” деб сўз охиридаги “алиф” ва “нун”ни кесилса, тушунарли маъно ҳосил бўлади. Чунки, у масдар – ноаниқ шаклдир. У билан исмни ифода қилиш жоиз бўлади, демак, у “ар-роҳман” маъносига айланади.

Бешинчиси, бир сўзнинг ярмига кесиб қўйиш бўлиб, унда бирор исмнинг ҳаммасини ифода қилмаса-да, бироқ бекорчи маънисизлик бўлмаса, жумладан, Аллоҳнинг “كلام” “Малик” деган сўзида “ма” деб кесиб қўйиш бўлса, намоз бузилмайди. Зотан, сўзнинг ҳаммаси маънисизликни ифода қилмайди.

Олтинчиси, “اندىا” – “Иҳдина” сўзида “их” деб ёки “دبىن” – “Наъбуду” сўзида “наъ” деб кесиб талаффуз қилиш маънисизликдир. Бунда намоз бузилади.

Вақф ва ибтидо, яъни оят ёки бирор сўзда тўхташ ва бошлашдаги хатоликларга келадиган бўлсак, баъзи уламолар бу ҳолатларнинг бирортасида намоз бузилмайди, деганлар. Чунки, бунда зарурат (кўпчиликнинг беихтиёр тўхташга ўрганиб қолганлиги) бор. Бу устозимиз Садр ал-ислом раҳимаҳуллоҳнинг ихтиёр қилганидир. Қози Абу Зар раҳимаҳуллоҳдан ҳикоя қилинишича, Бухорода унга имомлик қилган имом-домла бундай: “لوسررلا نوحرخي” – “Йухрижун ар-росул” деб қироат қилиб тўхтаган, сўнг “للاب اونمؤت نا مكأياو” – “Ва ийёкум ан туъмину биллаҳ” деб ўқиган. Қози Абу Зар раҳимаҳуллоҳ унга ҳеч нарса демаган ва намозни қайтариб ҳам ўқимаган, бузилганини ҳам айтган эмас.

Баъзи уламолар “للا” “Ла илаҳа” деб туриб, сўнг “للا ه” – “илла ҳув”дан бошласа ёки “ريرع” – “Узайр” деб тўхтаб туриб, “للاب نبا” – “Ибнуллоҳ” деб бошлаб ўқиса, намоз бузилади, деганлар. Бу Шамс ал-аимма ал-Ҳалвой раҳимаҳуллоҳнинг ихтиёр қилганидир.

Аллоҳ таолонинг инояти ила китоб тугади.